



Хадича бегим Султон Хусайн Мирзо Бойкаронинг суюкли хотини эди.

Хадича бегим 1451 йилда Хиротда тугилиб, 1457 йилда Султон Абусайид Мирзо Хиротни олгач, унга хадя этилган хос канизаклардан бири эди. Султон Абусайид Мирзо Хадича бегимни 1465 йилда ўз никохига киритади. Султон Абусайид Мирзодан Окбегим исмли бир киз хам бўлган. 1469 йилда Султон Абусайид Мирзо Ирокда халокатга учрагач, Хирот тахтига ўтирган Султон Хусайн Мирзо Бойкаро мархум Султон Абусайид Мирзо харамда Хадича бегимни кўриб, уни севиб колади ва шаръий иддаси (уч ой) тугагач, ўз никохига киритади.

Хадича бегим ёш, гўзал, димогдор, енгил табиат аёл бўлиб, айна вақтда табиатан ичи коралик ва макр-хийлага мойил эди. Захиридин Мухаммад Бобур Мирзо (1483—1530) Хадича бегим хакида: «Ўзини окила тутар эди, вале беакл ва пургўй (кўп гапирувчи, эзма) хотун эди, рофизия (шиийлик мазхабининг бир окими) хам экандур»,— деб ёзади. Дархакикат, Хадича бегим тез фурсатда ўзининг жозибали хусн-латофати-ю маккорона илтифотлари билан Султон Хусайн Бойкарони ўзига ром қилиб, харамда улуг бекалик ўрнини эгаллайди.

Султон Хусайн Бойкаронинг хотинлари ва хос канизакларидан 14 ўгил ва 11 кизи бор эди. Шохгариб Мирзо (1471 — 1489), Музаффар Хусайн Мирзолар (1473— 1509) Хадича бегимдан тугилган эдилар. Хадича бегим ўз фарзанди — тантик ва шухратпараст Музаффар Хусайн Мирзони Султоннинг барча ўгилларидан устун кўйишга жон-жаҳди ила харакат қиларди. Бинобарин, турли макр-хийлалар ишлатиб, ота билан ўгиллар ўртасида низо чиқаришга муваффақ бўлади. Бу низолар кўпинча конли жангу жадаллар билан тугарди. Султон Хусайн Бойкаро тобора Хадича бегимнинг макрига учиб, Музаффар Хусайн Мирзодан бўлак ўгилларига унчалик илтифот кўрсатмас ва хавф-хатарда юрарди. Хадича бегим ўгли Музаффар Хусайн Мирзони ота тахтига валиахд қилиб тайинлатиш масаласида хуфиёна харакатни бошлаб юборади. Аммо валиахдлик ҳаққи таомилга кўра, Султоннинг катта ўгли Бадиуз-Замон Мирзоники (1458—1511) эди. Гарчи Султон Хусайн Бойкаро Бадиуз-Замон Мирзони унчалик суймаса-да, хар холда уни рози қилиши лозим эди. Айна вақтда, Алишер Навоий бошлик сарой ахлининг кўпчилиги валиахдликка Бадиуз-Замон Мирзонинг 11 яшар ўгли — Мўмин Мирзони (1486—1497) муносиб ҳисоблар ва бу ҳақда мулохазаларини Султонга очик билдирган эдилар. Табиийки, арқони давлат орасида бўлаётган бундай мулохазалар Хадича бегимнинг ҳасад оловини алангалатмасдан кўймасди. 1497 йил бахорида Султон Хисорга қарши юриш бошлайди. Султоннинг фармонида кўра,

Астрободда хукмрон бўлиб турган Бадиуз-Замон ўз ўрнига ўгли Мухаммад Мўмин Мирзони кўйиб, ўзи отасининг кўшинига келиб кўшилади. Жанг тугагач, Султон Хусайн Бойкаро ўгли Бадиуз-Замон Мирзони Балх вилоятига, суюкли ўгли Музаффар Хусайн Мирзони эса Астрободга хоким килиб тайинлайди. Султоннинг бу фармони Бадиуз-Замон Мирзонинг хамиятига тегади. Чунки Астрободни ўгли Мўмин Мирзога инъом килиш тараддудида эди. Бинобарин, Бадиуз-Замон ўз ўглига Астрободни кўлдан бой бермаслик хакида хабар юборади. Бу можаро Султон билан Бадиуз-Замон Мирзо орасида конли тўкнашувга сабаб бўлади. 1497 йил 2 майда Бадиуз-Замон кўшини тор-мор келтирилади. Айни вақтда Музаффар Хусайн Мирзонинг кўшини Астрободни забт этиб, Мухаммад Мўмин Мирзони асирга олади ва Хиротга келтириб, Ихтиёриддин калъасига камайдилар. Кўпдан бери кулай вазиятни кутиб ётган Хадича бегим Мурғоб харбий ўрдагохида вазир Низом ул-Мулк иштирокида Султоннинг мастлигидан фойдаланиб, Мухаммад Мўмин Мирзони зудлик билан катл этиш хакидаги фармонга муҳр бостириб олади ва ўша кечасиёк хукм ижро этилади.

1506 йил апрелда Султон Хусайн Бойкаро вафот этади. Хадича бегимнинг калтабинлик ила салтанат ишларига аралашуви натижаси ўларок, тахтга икки шахзода — Бадиуз-Замон Мирзо ва Музаффар Хусайн Мирзо ўтирадилар. Шайбонийхон Хуросонга хужум бошлаганда, икки шахзода икки мавзеда — Бадиуз-Замон Кораработда, Музаффар Хусайн Мирзо Тарнобда турардилар. Биринчи зарбадаёк икки шахзода икки тарафга — Бадиуз-Замон Кандахор оркали Туркияга, Музаффар Хусайн Мирзо Астрободга кочадилар. Хирот мудрофаси эса Хадича бегим бошлик уч-тўртта истеъдодсиз аъёнлару хотин-кизларга колган эди. Шайбонийхон Хиротни осонгина кўлга киритади. Хадича бегим Хиротдан ташкарига чикмай, уй махбуслигида яшайди.

1509 йили ўгли Музаффар Хусайн Мирзонинг Астрободда эканлигини эшитгач, Шайбонийхон тарафидан Хирот доругаси (хокими) килиб тайинланган Жон Вафо Мирзодан рухсат олиб, ўглини кўргани Астрободга боради. Хадича бегим Астрободга етиб борганда, ўгли Музаффар Хусайн Мирзо тузалмайдиган касалга мубтало бўлиб, ўлим тўшагида ётарди. Кўп ўтмай — вафот этади. Хадича бегим ўглининг таъзиясини ўтказгач, яна Хиротга кайтиб келади...

Тургун Файзиев